

АХБОРОТ ХАОСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ СИФАТИДА МЕДИАТАЪЛИМ ҲАМДА МЕДИАХАВФСИЗЛИКНИ ЗАРУРИЯТИ

Бабаджонов Салоҳиддин Собитджонович

п.ф.ф.д. Ўзбекистон Республикаси

Қуролли Кучлар Академияси

Қуролли Кучларда Ахборот Технологиялари ва

Киберхавфсизлик кафедраси профессори

Метинев Дилшоджон Муҳаммаджонович

Чирчиқ Олий Танқ Қумондонлик Муҳандислик

Билим Юрти Тактика кафедраси ўқитувчиси

Резюме: Мақолада ахборот хаосини ҳимоя қилиш мақсадида медиатаълим ва медиахавфсизликнинг зарурияти замонавий жамиятда, айниқса, интернетнинг ривожланиши даврида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги. Ахборот хавфлари ва муаммоларга самарали жавоб бериш учун талабаларнинг медиатаълим билан таъминлаш шакллантириш ёритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: Медиа, таълим, саводхонлик, хавфсизлик, тенденция, хаос.

Дунё ривожланишининг асосий тенденциялари орасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида медиа воситаларининг таъсири муаммолари долзарблашаётган пайтда инфор­мацион жамиятга ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот хаосидан ҳимоя қилишнинг самарали воситаси сифатида медиа таълим ва медиа хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти жуда катта. Ахборот техно­ло­гиялари ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши натижасида жамият турли хил ахборот оқимларига дуч келмоқда, бу эса ахборот хаосини келтириб чиқаради. Бундай шароитда, одамлар ўзларининг ахборот манбаларига нисбатан танқидий муносабатда бўлишлари ва тўғри ахборотни ёлғон маълумотлардан ажрата олишлари зарур.

Ҳозирги кунда шу қадар катта аҳамиятга эга бўлган медиатаълимнинг маъноси, унинг шаклланганлик даражаси, мезонлари ва компонентлари тўғрисида ягона бир таъриф йўқ. Турли педагог - олимлар турлича таъриф келтирадилар, унинг таркибий тузилишига ҳам турлича ёндашдилар. Қуйида бир неча муаллифларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда, медиатаълимнинг мазмуни ва таркибий тузилишига яна бир бор тўхталиб ўтмоқчимиз.

Медиатаълим - Медиа таълим шахсларга ахборотни таҳлил қилиш, унинг ҳақиқий ёки сохта эканлигини аниқлаш, шунингдек, ахборот манбаларига танқидий қараш кўникмаларини ривожлантиради. Бу таълим тури медиа воситаларни тўғри фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва маълумотларни таҳлил қилишни ўргатади. Одамлар ахборот манбаларига эътибор билан қараш, уларни текшириш ва ахборотнинг қонунийлигини баҳолаш қобилиятини ошириб, ахборот хаосидан ҳимояланиши мумкин.¹

Тадқиқотимиз жараёнида маълум бўлдики, медиатаълим билан бмргаликда Медиахавфсизликка ҳам эътибор бериш зарурдиги ойдинлашди.

Медиахавфсизлик - эса шахслар ва ташкилотлар учун медиа муаммолардан ҳимояланишга қаратилган чора-тадбирлардир. У ахборотни тўғри ҳимоя қилиш, шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш ва кибертаҳдидларга қарши чоралар кўришни ўз ичига олади. Бунинг учун: Ахборот манбаларининг ҳаққонийлиги текширилиши керак; Хусусий маълумотларни ҳимоя қилиш усуллари қўлланилиши лозим; Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган маълумотлар синчиклаб кўриб чиқилиши зарур.

Тадқиқотимиз доирасида университет талабалари ўртасида уларнинг медиа саводхонлик даражасини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Сўровномада 60 нафардан зиёд талаба иштирок этди. Анкета 5 саволдан иборат. Қуйида сўровнома натижаларини таҳлил қилиб ўтамиз.

Сиз информацион маълумотни кўпроқ қаердан оласиз? (Қуйида саволларга иштирокчиларнинг неча фоизи қандай жавоб берганини келтириб ўтилади.)

Манбалар номи	Иштирокчилар сони	Фоизда
1. Интернет (ижтимоий тармоқлар)	40 та	80.3 %
2. ОАВ (Журнал, газета, радио, ТВ)	4 та	6.94 %
3. Китоблардан	3та	3.47 %
4. Ўқитувчилардан	10 та	4.16 %
5. Дўстлар билан мулоқот орқали	3 та	2.08 %
Жами қатнашганлар:	60 та	100 %


¹ Психология общения. Энциклопедический словарь / Под общ. ред. А. А. Бодалева. М: Когито-Центр, 2011.

Кўриниб турибдики, интернет ахборот тарқатиш бўйича етакчиликни қўлга олган. Интернетдаги ёлғон-яшиқ ахборотларнинг кўп берилиши, оммавий маданиятни тарғиб қилувчи воситага айланаётгани ҳам ҳеч биримизга сир эмас.

Юқорида келтирилган фикрларни инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, бизнинг фикримизча, Ахборот хаосидан ҳимоя қилишнинг самарали воситалари жамиятнинг ахборотдан фойдаланиш ва уни таҳлил қилиш кўникмаларини оширишга қаратиш. Бу воситалар турли ахборот оқимларини тўғри англаш, ёлғон хабарлар ва манипуляциядан ҳимояланишда муҳим аҳамияти медиасаводхонлигини ошириб боришдир.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун биз ўз тадқиқотларимиздан келиб чиқиб қуйидаги “талабаларнинг медиа саводхонлигини ривожлантириш” тизимини таклиф этамиз. (1-расм).

Хулоса қилиб айтганда, Медиа таълим ва медиа хавфсизлик жамиятни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу омиллар орқали жамият ахборот хаосига тушиб қолишнинг олдини олиши, одамлар эса тўғри ва ҳаққоний маълумотларга эга бўлиши мумкин.



1-расм. Талабаларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш тизими.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Бабаджанов, С. С.** (2014). Медиакомпетентность педагога как фактор развития медиаграмотности студентов. *Педагогика и современность*, (5), 86-89.
2. **Сулаймонов, Б. А.,** Исашова, У. А., Ракҳманова, М. К., Парпиева, М. Қ., & Расулов, У. С. (2019). Систематис анализис оф тхе доминант типес оф энтомопахгес ин фруит орчардс. *Индонесиан Жоурнал оф Инноватион Студиэс*.
3. **Бабашев, Ф. А.** (2023). ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА МЕДИАТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 5(NUU Conference 2), 216-220.
4. **Ф. А. Бабашев** МЕДИАСАВОДХОНЛИК ВА ЁШЛАР АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ *National University of Uzbekistan Volume 4 | NUU Conference 3 | 2023 Quality education – the foundation of Uzbekistan's development.*
5. **Федоров А.В.** Медиаобразование будущих педагогов. Таганрог: Изд-во Кучма, 2005. 314 с.
6. **Др. Иля Ҳазанов,** Курган Стате Университй, Советская, 63, паге 4, Курган, 640020, Россия, Форматион оф медиа компетенсэ оф футуре теачэрс ин тхе просэсс оф студийинг.